



Назмия МУҲИТДИНОВА
катта ўқитувчи
Самарқанд давлат университети

ХЎЖАНАЗАР ХУВАЙДО ИЖОДИНИНГ ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Мақолада XVIII аср Қўқон адабий муҳиtida фаолият олиб борган ўзбек адабиётининг вакили, ижоди шу кунгача кам ўрганилган шоир Хўжаназар Хувайдонинг мазкур адабий муҳитга таъсири ўрганилган. Муаллиф шоир ижодининг ўзбек адабиётidaги ўрни ва аҳамиятини аниқлайди, шеърларининг юксак бадиияти ҳамда кейинги давр ўзбек адабиёти тараккиётида муҳим рол тутганини таъкидлайди.

В статье исследуется роль известного, но до сих пор малоизученного творчества Ходжаназара Хувайдо – представителя узбекской литературы, который относится к Кокандской литературной среде XVIII века. Автор статьи выявляет значение творчества поэта в узбекской литературе, особо подчеркивая высокое художественное мастерство и значимость его стихотворений, сыгравших значительную роль в дальнейшем развитии узбекской литературы в целом.

Article is devoted to definition of a place and beaters of creativity known, but still insufficiently studied representative of Uzbek literature of the XVIII centuries Hodzhanazara Huvaydo living and creating in due time in Kokand literary environment. The place and value of creativity of the poet in Uzbek literature are defined, great art skills and the importance of creativity of the poet, played a significant role for further development of Uzbek literature as a whole are especially emphasized.

Калит сўзлар: ижод, адабий доира, адабий анъаналар, шеърнинг стилистик хусусиятлари.

Ключевые слова: творчество, литературный круг, литературные традиции, стилистические особенности поэзии.

Key words: creativity, literary circle, literary traditions, stylistic statement of poetry.

Ўн минг мисрага яқин шеърий меросни қамраган Ҳувайдо ижодида XVIII аср ижтимоий-маданий ҳаётидаги инсонпарварлик руҳи ўз ифодасини топган. Шоир ижодининг асосий мазмунини халқчиллик, ҳаётийлик, маънавий-ахлоқий тубанликка қарши нафрат, диний мутаассибликдан йироқлашишга даъват ғоялари ташкил этади.

Мумтоз шеъриятнинг йирик вакилларида бири Ҳувайдо ғазаллари, мустазодлари, мухаммаслари ва рубоийлари ўқувчида завқ-шавқ уйғотади, олий инсоний фазилатларни шакллантириш учун хизмат қилади. “Ҳувайдо ғазаллари ҳаётий шавқ-завқ билан, инсоний бир армон – ўкинч билан йўғрилган. Шоир ишқи мажозий ҳаётда ҳам, ишқи ҳақиқий ҳаётда ҳам ажиб эҳтирос билан, нажиб дардмандлик билан қалам тебратади. Шоир шеъриятида дидактик оҳанглар ҳам қарийб етакчи ўрин тутади. Лекин, улар шунчаки қуруқ панду насиҳатлар эмас, уларнинг ғамдан, ночорликдан яралган доноликни уқамиз. Шоирнинг қатор ғазалларида исёнкорона руҳ шу қадар ёлқинлики, беихтиёр оташ ҳароратини ҳис этамиз. Тасаввуфий ғазалларда эса эътиқодда устуворлик, имонда поклик тараннум қилинади, руҳиятни ҳақ сари изчил йўналтиришга даъват этилади,”(5, 3) – деб ёзади профессор Суйима Ғаниева.

Шоир лирикасидаги “ғамдан, ночорликдан яралган донолик” моҳиятини англаш, қайси ғам ва қандай ночорликдан бу донолик вужудга келганлиги ҳақида мулоҳаза юритиш, фикр билдириш, шубҳасиз, бугунги адабиётшуносликнинг вазифаларидандир. Шу кунга қадар яратилган тадқиқотлар, шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган номзодлик диссертацияси бу соҳада мавжуд илмий муаммоларни тўлиқ қамраб ололмаган. Шоир ижодий услуби, ғоявий қарашлари ҳақида аниқ тушунтириб берилмаган, илмий асосланмаган фикрлар айрим тадқиқотларда кўзга ташланади. Ҳувайдо шеъриятининг орифона моҳияти ҳануз тўла очилмаган. Ўтган мустабид тузум ва мафкуранинг бу масалага муносабати аён. Истиқлол даври фани эса ҳар қандай ҳукмрон мафкура тазйиқидан холи, холисона илмий тадқиқотлар олиб бориш йўлигаўтди. Кейинги тадқиқотларда Ҳувайдонинг орифона қарашлари дунёқараши ва шеъриятининг ирфоний моҳияти чуқурроқ ўрганилиши тайин. Аммо, мавжуд илмий тадқиқотлардаги ноаниқликларга муносабат билдириш, хато фикрларни рад этиш кейинги тадқиқотларнинг объективлиги, илмийлиги учун фойдадан холи бўлмайди. Ўтган аср ўрталарида шоир ҳақида айтилган фикрларда “Ҳувайдо дунёқараши ва ғоявий позициясида қарама-қаршилиқлар бўлган” мазмунидаги тапсвур устунлик қиларди.

“Ўзбек адабиёти тарихи” беш томлигининг III жилдида “Хувайдо” деб номланган мавзу киритилган. Унда сеvimли шоир ҳаёти ва ижоди мухтасар, аммо барча мавжуд маълумотларни қамраган, муаллифлар томонидан изохланиб, шоир ижоди моҳияти сиёсий маҳдудлик шароитида имкон даражасида ёритилган. Ижоди қарийб ҳамд ва муножотлардан иборат бўлган суфий шоир номини даҳрий мустамлакачи “кўзини пардалаб” фанга, ўқув адабиётига киритиш, ижодини тарғиб қилиш учун фидойи, закий, ватанпарвар ўзбек олимлари қанчалик катта жасорат кўрсатганликларини тасаввур қилиш мумкин. Буни ватанпарварлик ва миллатсеварликнинг юксак намунаси, ҳақиқий қаҳрамонлик деса бўлади. Аммо, албатта сиёсий мулоҳазалар нуқтаи назаридан бўлса керак, “Хувайдо адабий меросининг социал моҳиятига келганда шуни қайд қилмоқ лозимки, у XVIII аср ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос мавқега эга бўлган, дунёқараши ва ижоди карама-қарши кутблардан иборат шоирлардан бири саналади”(3, 370), – деб ёзилган.

Дунёқараши барқарор, қалби имон нурига тўла инсонлар оиласида дунёга келган Хувайдо, улғая борган сари дунёни, инсоннинг оламга келиши ва кетиши ҳикматларини ўйлаган, бу соҳадаги фалсафий қизиқишлари орта борган. Аммо, ана шу онгли ҳаётининг бошидаёқ уни турли мазмундаги нотўғри фикрлардан, иккиланишлардан асраб, ҳақиқат йўлига йўналтириб турувчи куч бор эди. Бу –унинг қон-қонига сингиб кетган маърифатдир. У кийноқ, азоблардан шикоят қилган бўлса, маърифатни, гўзал хулқни камолга етказиш йўлидаги машаққатларини ифодалаган эди. Бу йўл шоир учун тариқат йўли эди. Шу боис у мутафаккир шахс бўлиб етишди, маънавий комилликни ўзи яшаётган жамиятдаги кишиларда ҳам кўришни истади:

*Талаб қил маънавий ганж,эй биродар,
Вагарна сандин авло гов ила хар.
Талаб қил бўлса ганжи беziёни,
Санга бўлғай чу умри жовидони.
Киши бўлмаса маънидин хабардор,
Ани одам дема, де нақши девор.*

Шоир илми ирфондан хабардор кишини маънавий етук киши деб ҳисоблайди:

*Билмагай ўз қадрини, на билгуси сўз қадрини,
Ҳайфдир доно демак нодони беирфонга сўз.*

Хўжаназар Хувайдо ижодининг маърифий мазмун-моҳияти бор бўй-басти билан лирикасида намоён бўлади.

Хувайдо шеърятдан намуналарни “Кўнгил дарди” номи билан китоб холида нашр эттирган олима Суйима Ғаниева бу ҳақда шундай ёзади: “Жуда оз бўлса ҳам Хувайдода май мавзусида шеърлар бор. Май Аллоҳ жамолига бўлган ишқнинг ғалаботи дейилади. Хувайдодаги май мадҳи, уни йигитликда ичишга чорлашни, қариган чоғда эмас, ёшлиқдан ишқи ҳақиқий майидан маст бўлишликни, худованд ишқи омонатини бандасига майхонада беради, деган тасаввуфий ақидани уқтиришлик, деб англаш керак. Бу майхона шундай бир майхонаки, унда дунёвий ғам-ташвишлардан холи бўлиб, ёлғиз Аллоҳ ишқи билан ёнилади”(5, 4). Олима Хувайдо шеърятти вужуд (шакл) ва рух (мазмун)дан иборат икки асосий тушунчадан ташкил топиб, уларнинг органик равишда бирлашуви натижасида шоир услуби ва маҳоратини намоён этувчи юксак бир бадиий асар юзага келганлигини таъкидлайди: “Мумтоз адабиётимизга хос бўлган зулмаънайлик ҳодисаси – зоҳирий ва ботиний маънолар чатишуви Хувайдо қаламига мансуб аксар ғазалларнинг муҳим хусусиятидир. Шоирнинг ғиноий – лирик шеъряттида зоҳирий – мажозий маънолар замирида юксак маҳорат билан ботиний орифона тафаккур ва ирфоний фалсафа яширинган”(5, 4–5).

Ирфон, фалсафа шоир шеъряттида инсон ва олам гўзаллигидан ҳайратга тушиш туфайли содир бўладиган май завқи, бу завқдан мутлақ ишқ туғилиши, ишқдан дард юзага келиши каби мазмунда кўзга ташланади.

Шу нуқтаи назардан олима ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Хувайдо шеъряттидаги “дард”, “ғам” айни чоғда Аллоҳга бўлган ишқнинг риёзатларини ҳам англатади:

*Дарди йўқ бедард кишилар дард қадрин на билур,
Дуняда номард кўндур, мард қадрин на билур”(5, 6).*

Шоир бу дард муқаддас эканлигини, уни қалби ирфон неъматидан баҳраманд кишиларгина идрок ва ҳис эта олиши мумкинлигини таъкидлайди:

*Санамни дардини дафтар қилиб, хатга битиб бўлмас,
Ани асрорини бефаҳмларга шарҳ этиб бўлмас.*

Яна:

*Сани дардингни айтиб йиғласам жону жаҳон куйгай,
Фигонимдин фигон айлаб, замину осмон куйгай.*

Шоирнинг лирик қаҳрамони унинг ўзи ўларок, у бу дунёда ҳайрат, завқу шавқ, пок май жўшишидан мастоналик, ишқ, дарду ғам неъматларидан бенасиб эмаслигини қайд этади. “Оқибат” радифли ғазалида у шундай ёзади:

*Эй жамолинг шавқи бирлан ғам шаробидан ичиб,
Билмадим жону жаҳон мастона бўлдим оқибат.*

Ғазал матлабсида шоир анъанавий шам ва парвона тимсоллари мисолида ўзининг буюк ишқ неъматидан баҳраманд эканлигини таъкидлар экан, бу ишқ ва дард неъматидан баҳосидан бутун оламлардан, борлиқдан кечмоқликдир дейди:

*Эй сани ишқинг билан девона бўлдим оқибат,
Шамъи ҳуснинг устида парвона бўлдим оқибат.
Тушти кўнглум ичра дардинг тебалардек, эй пари,
Кулли оламдин кечиб, бегона бўлдум оқибат.*

Суфийларнинг эътиқодига кўра, диннинг моҳиятида ҳам ишқ бор, – муҳаббат бор. Маълумки, мажозий ишқ атамаси инсоннинг инсонга муҳаббати ва олам гўзаллигига ошиқлигини билдиради. Аммо мажозий муҳаббат ўткинчидир. Ҳеч қачон сўнмайдиган ҳақиқий муҳаббат – бу Аллоҳни жон-дилдан севишдир. “Чунки ундан бошқа барча нарса – сохта, яъни ясалган ёхуд яратилган. Ҳатто инсон ҳам. Шунинг учун энг буюк гўзаллик – Тангрининг ўзи. Гўзалликда ундан ўтадиган ҳеч нарса йўқ бу оламда ва бўлиши ҳам мумкин эмас”(8).

Тасаввуфда ишқ ва комил инсон тушунчалари ёнма-ён туради. Тасаввуфнинг инсонпарвар йўналишларидан бўлган нақшбандия тариқатида шайх таълимоти инсон қалбида оташин муҳаббат жазбасини уйғотиши ва ривожлантириши лозим, деб уқтирилади. Чунки, ишқ билан тўлуғ кўнгилда бошқа яхши ва ёмон туйғулар учун ўрин қолмайди. Комил инсон кўнгли фақат Ҳақ нуридан тўла, Ҳақнинг жилвагоҳига айланади. Бунга авлиёлар тарихидан шундай мисол келтириш мумкин. Робия ад – Адавия (р. а.)дан сўрадилар: “Шайтондан нафратланасанми?”. – У жавоб берди: “Кўнглим ишққа лик тўла, унда нафрат учун ўрин йўқ”. Аторнинг “Тазкират ул-авлиё”сида шундай ривоят қилинади: “Робия деди: Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.)ни тушимда кўрдим. Дедилар: –Эй Робия, мени севармисан? Дедим: Ё Расулаллоҳ, Сизни ким севмас! Валекин, мени Раҳмоннинг севгиси шундай қилганки, ичимда ҳеч дўсту душман қарор тутарга жой қолмаган (7, 9).

Ўвайдо лирикасидаги ишқ – ана шу мазмундаги ишқдир. Юқорида келтирилган ғазалда илоҳий ишқ ўтидан туғилган дард кўзга ташланади:

*Телбаи ишқинг бўлиб айбу қабоҳат сўзладим,
Элга кулгу бозии тифлона бўлдум оқибат.
Қай куни севдим сени кетти кўнгулдин шодлик,
Туну кун ғам хайлига ҳамхона бўлдум оқибат.
Элу юртимдин кечиб, узлатнишинлик хў қилиб,
Чузг янглиз соҳиби вайрона бўлдум оқибат...*

Ишқ масаласида шоир ўзининг катта замондоши Машрабга ҳамфикр: “Ишқсиз, ҳам бодасиз азми Каъба на ҳожат?”. Ўвайдо девонидан “Ҳеч ким ишқ ўти ичра ман каби куйғони йўқ, / Ушбу ўтга, дўстлар, куймаклигимни сони йўқ” матлаъси билан бошланувчи бир ғазал жой олган. Ғазалнинг ҳар байтида шоир ишқ ва ишқ ўтининг биттадан шарҳини келтиради. Унинг ўзи ғазалнинг лирик қаҳрамони экан, ишқ ўтини кўнглида яширин сақлайди, ҳеч кимга заррача ошқор қилмайди. Аммо, пинҳон тутиш ҳам ғоят мушкул. Агар ошиқнинг жони бир уй бўлса, ишқ ғам булутларидан яшин каби бу уйга тушган. Юрак бу барқдан куйиб кетган, қаро кўз ёшга тўлган, дард туфайли нолаю афғон ҳаддан ошган. Аммо, шоир шу ҳолатлар учун шукр қилади, чунки: *Бўлмаса ул тан аро ишқу муҳаббат заррае, / Сурати девор эрур, билгил у танни жони йўқ.*

Шу боис ошиқ “ниғори нозанини” ишқиди ҳар сафар “дийда гирён” ва комил ишонч билан: “Кўр бўлсун ул кишики дийдаи гирёни йўқ”, – деб айтади.

Шоир ғазалларида “ёр”, “май”, “бода”, “жом” каби тасаввуфий рамз ва тимсоллар воситасида ишқи илоҳий мазмунини шарҳ этишга ҳаракат қилади, қалбида қайнаб турган ишқ жазбаси беихтиёр унинг тилига кўчади. Куйидаги ғазал мазмунан шарҳи ҳол бўлса-да, шоир унда фақат ўз ҳолини шарҳлашни мақсад қилиб олмайди. Унинг шеърини юрагидан қайнаб чиқиб тилига кўчган, қалби деворларини ёриб чиққан дард ёлқини. Шеър шакли, вазни, қофияси, радифи шоир учун бирламчи унсур эмас, балки унинг “аҳли табъ”дан эканлиги, фитратида гўзалликка мойиллиги натижасидир. Ўвайдо ғазалларини ўқиган шеърхон шеърдаги гўзал шакл ва турли бадий санъатларни назардан қочиради. Унинг қалбини ҳам дард ишғол этади:

*Ваҳ мани бошимга тушти, на қилай, савдои ишқ,
Айта берсам заррасига тоқат этмас Кўҳиқоф.
Беҳуду мастона юрмишман ўзумни билмайин,*

*Кимни кўрсам Хизр деб, илгин тутуб қилдим тавоф.
Бир садо чиқди қадаҳдин: “ Ёрни кўр майда” , деб,
“ Кўра олмассан – деди ,– то этмагунча майни соф” .
Айта берсам Қоф то Қофи жаҳонга сизмагай,
Эй Хувайдо, ишқ сўзи “айн”у, “алиф”у, “шин”у, “қоф”.*

Шу тариқа, Хувайдо содда ва равон, халқона иборалар билан зийнатланган шеъриятида кўхна шарқ шеъриятидаги “ишқ” ва “дард” ғояси, тасаввуфий рамз ва истилоҳлар, анъанавий тимсоллар истифода этилса-да, ғоявий мақсад ифодаси ва бетизгин туйғулар тақозоси билан уларнинг янги-янги қирралари кашф этилади, шоирнинг бетакрор, ўзига хос маърифий камолоти ва бадий салоҳияти намоён бўлади.

Шоир ижодининг инсонпарвар моҳияти, эстетик бойлигини англаган каламкашлар Нодира, Саодий, Акмал ва Ғозийдан тортиб, кейинги аср ижодкорлари Махмур, Гулханий, Муқимий ва Фурқатгача бу ноёб меросдан баҳраманд бўлдилар, ижодий фойдаландилар. Хувайдо шеърияти бу шоирлар таъби камолининг шаклланиши учун пухта замин вазифасини ҳам ўтади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Гаврилов М.Ф. Среднеазиатский поэт и суфий Хувайдо. – Т., 1927.
3. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, 3-том. – Т.:Фан, 1978.
4. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. Еттинчи жилд, биринчи китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2010.
5. Хувайдо. Кўнгиладарди. –Тошкент: Meriyus, 2009. – 52 б.
6. Хувайдо. Танланган шеърлар. – Т., 1961. – 100 б.
7. Фаридуддин Аттор. Тазкиратул-авлиё. – Т., 2013.
8. Султонмурод Олим. Мажоздан мақсад – Ҳақиқат//ЎзАС, 1993, 10 сентябр.